



ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ГИПЕРБОЛЕМАНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ, ПСИХОЛИНГВИСТИК, СОЦИОЛИНГВИСТИК ВА БОШҚА АСПЕКТЛАРИ ХУСУСИДА

Қорабоев Жасурбек Баҳодирович,

Андижон давлат университети илмий тадқиқот-изланувчиси

Калим сўзлар: *концептуалитет, фрейм, лингвалитет, лингвабилитет, коммуникабилитет, гиперлингвосфера, гиперлингвалитет, культуросфера.*

Маълумки, тил энг яхши ва қулай мулоқот воситаси сифатида тилда сўзлашувчи /ёзувчилар/га сидқидилдан хизмат қилиб келади, объектив дунё манзараси ҳақидаги билимларнинг шаклланиши, бойиши ва кундалик мулоқотда фикр алмашиб, ўзлаштирилган билимларни онгли қўллашлари учун пухта замин яратади.

Тил бир вақтнинг ўзида мулоқот қуроли сифатида ҳам индивидуал, ҳам умумий тавсифга эга. У мазкур тилда сўзлашувчи /ёзувчи/ жамоа учун, бир томондан, умумий бўлса-да, иккинчи томондан, ўзининг ҳар бир сўзлашувчи /ёзувчи/ вакили учун индивидуал-хусусий жиҳатлари борлиги билан фарқланиб туради. Бунинг сабаби шундаки, тилда сўзлашувчи /ёзувчи/нинг у ёки бу тилдан фойдаланиш лаёқати субъектив асосда бўлиб, идиолектал табиатга эга. Демак, бундай лаёқат, авваламбор, унинг тилдаги билимлари қамрови(яъни *лингвосфераси-linguosphere*)га, унинг тил бўйича билимлари мажмуаси, (яъни *лингвалитети - linguality*), шундай билимларни қўллаш билиш лаёқати (яъни *лингвабилитети – linguability*), шунингдек, унинг мулоқот олиб бориш бўйича билимлари мажмуаси(яъни *коммуникалитети- communicability*), қолаверса, мазкур билимлардан мулоқотда онгли ва тўғри фойдалана олишлик ва мулоқотни адекват олиб бора олишлик лаёқати (яъни *коммуникабилитети- communicability*) (Ҳошимов 2015; 214-218) билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Ҳар бир тилда сўзлашувчи/ёзувчи объектив (ёки субъектив) борлиқ ҳақида ўзгалар билан мулоқотга киришиш олдидан ўзининг тафаккуридаги шу борлиқни инъикос қилишга асос бўлган, *фреймлашган*¹ концептлар йиғиндиси, яъни концептосфераси, шунингдек, концептуал билимлари мажмуаси, яъни **“концептуалитети”**(Ҳошимов 2010, 68-69) имкониятларини инобатга олади. Ўзининг у ёки бу концептуал воқеликка дахлдор рухий кечинмалари ва туйғуларига асосланган ҳолда уларни тилда воқелантиришга ҳаракат қилади. Ўзининг лингвосфераси ва лингвалитети ва лингвабилитетини ишга солади, шу йўсинда сўзловчи ёки ёзувчининг нутқи мураккаб психолингвистик жараён натижаси сифатида шаклланади ва коммуникантга қараб йўналтирилади. Шундай усулда нутқ акти амалга оширилади.

Демак, ўзбек тили кўпчилик учун умумий тил ҳисобланса-да, мазкур тилда сўзловчи /ёзувчилар/да керакли мулоқотлар олиб бориш имкониятлари ҳар хил бўлиши табиийдир. Ҳар бир тилда сўзловчи /ёзувчи/нинг у ёки бу тилда мулоқот олиб бориш лаёқати унинг концептосфераси ва концептуалитетининг тор ёки кенглигига, шунингдек, унинг коммуникабилитетига ҳам бевосита боғлиқ. Бундай омилларнинг барчаси ҳар бир тилда сўзлашувчи/ёзувчи/нинг идиолектини ташкил этади.

¹ Фреймлар ва фреймлашув жараёни ҳақида батафсилроқ қаранг: Филлм



Шу нуқтаи назардан олганда, бир тилда сўзлашувчи /ёзувчи/лар ундан фойдаланаётганларида унинг индивидуал ва умумий жиҳатларини келтириб чиқарувчи икки муҳим омил, яъни лингвистик ва нолингвистик омиллар борлигини эътироф этишлари жоиз.

Бир томондан олиб қараганда, лингвистик омиллар тилда сўзлашувчиларнинг тил бўйича (хусусан, гиперболемалар ² бўйича) билимлари камрови, яъни лингвосфераси (тўғрироғи, *гиперлингвосфераси-hyperlinguosphere*), қолаверса, мазкур билимлар йиғиндиси, мажмуаси, яъни лингвалитети (тўғрироғи, *гиперлингвалитети -hyperlinguality*) ва уни тўғри қўллай олиш, яъни коммуникатив-прагматик жиҳатдан уларни мулоқотда адекват қўллай олиш лаёқати (яъни *гиперлингвабилитети-hyperlinguability*) ва у билан боғлиқ бир қатор бошка омиллар³ билан узвий боғлиқ. Иккинчи томондан олиб қаралганда, сўзлашувчи /ёзувчи/ ўз билимларини (хусусан, гиперболемалар бўйича билимлари мажмуаси, сўзлашувчининг гиперболемаларнинг структурал-семантик, коммуникатив-прагматик, лингвокультурологик, лингвостилистик жиҳатлари бўйича билимлари) бевосита тилда қўллаётганда нолингвистик омилларнинг когнитив, психологик ва социологик аспектлари ҳам лингвистик аспект билан чамбарчас боғлиқ эканлигини эътироф этиш жоиздир. Бундай ҳолат гиперболемаларни тадқиқ қилишда уларнинг нафақат лингвистик (*структур-семантик, функционал коммуникатив-прагматик*) ва лингво-стилистик жиҳатлари (*бўёқлари,*

функциялари, конвергенцияси), балки лингвокогни-тив, психолингвистик, социолингвистик ва лингвокультурологик жиҳатларини ҳам эътибордан четда қолдирмасликни тақозо этади.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, гиперболемаларнинг лингвистик жиҳатлари уларни вокелантирувчи вербализаторларнинг лисоний белгилик хусусиятлари, структурал-семантик жиҳатлари ва уларнинг мулоқотда қўлланиш қонуниятлари билан боғлиқ экан.

Гиперболемаларнинг лингвокогнитив жиҳатлари эса сўзлашувчи/ ёзувчиларнинг онгида, тафаккурида мавжуд бўлган универсал концептуал семантика, хусусан, “*муболага концептуал семантика*”си мазкур эмик бирликларнинг лингвокогнитив асосини ташкил қилишини эътироф этиш билан тушунтирилади (Қиёсланг: Вежбицкая 2001, 152).

Ҳар қандай концептуал семантика каби, “*муболага*” концептуал семантикаси ҳам мулоқот учун зарур бўлган семантикалар сирасига киради, чунки усиз (яъни мазкур семантика тил воситалари орқали вокелантирилмаса) мулоқот талаб даражасида кечмайди, тўлақонли бўлмайди.

Шуниси эътиборга молиқки, ҳар бир концептуал семантика, шу жумладан, “*муболага*” концептуал семантикаси ҳам, тилда сўзлашувчилар коммуникатив (*мулоқот*) мақсадлари (*интенциялари*) билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни амалга оширишга бевосита хизмат қилиши умумлисоний қонуниятдир. Онгдаги, тафаккурдаги ҳар қандай концептуал семантика тилда уни вокелантирувчи махсус воситалар, яъни вербализаторлар (*репрезентантлар ёки воқелантирувчи воситалар*) бўлишини сўзсиз тақозо этади.

Тадқиқ қилинаётган эмик бирлик саналмиш “*гиперболема*”ларнинг ўзига ҳос психолингвистик жиҳатлари ҳам борки, улар ёрдамида мазкур

² Муболагалашган семантикага эга бўлган эмик бирлик «гиперболема» ва этик бирлик “гипербола”хақида батафсилроқ қаранг: Карабоев 2015, 74).

³ Бу ерда тилда сўзловчининг “*коммуникасфераси*” (мулоқот олиб бориш бўйича билимлар камрови), “*коммуникалитети*” (коммуникация олиб бориш бўйича малака ва кўникмалари йиғиндиси) ва “*коммуникабилитети*” (коммуникация олиб бориш бўйича малака ва кўникмалардан фойдалана олиш лаёқати)(Хошимов 2015, 178) каби омиллар ҳам мавжуд.



бирликларнинг тилда сўзловчилар нутқида эмик бирлик, яъни “гипербола” бўлиб қўлланиши ва уларнинг функционал тавсифи ва таснифи масалалари тадқиқ қилинади. Демак, гиперболамаларни нутқда қўллаш учун уларнинг тил унсури сифатида шаклланиши ва қурилишида шундай бир муҳим психологик (тўғрироғи, психоллингвистик) вазият ва омил зарурки, улар гиперболамалар вербализаторларининг тегишли турини мулоқот эҳтиёжига кўра танлашга, уни тўғри қўллашга туртки беради ва бунга эришилади ҳам. Кўриниб турибдики, гиперболамаларнинг психоллингвистик аспекти ҳам тилда сўзловчилар коммуникатив-прагматик мақсадларини рўёбга чиқаришга бевосита хизмат қилар экан. Демак, коммуникатив-прагматик мақсадлар психологик вазиятда тилда сўзловчи /ёзувчи/нинг кайфияти, нияти ва мақсадини айнан мулоқат учун хос ва мос қилиб воқелантириш учун туртки вазифасини ўтайди, шу йўсинда мулоқат эҳтиёжига кўра тил унсурлари танланади, қурилади ва қўлланилади, шундай равишда ботиний нутқ зохирий нутққа айланади (қиёсланг: Леонтьев 1969, 159; Бенвенист 1974, 31; Ван Дейк 1989, 137; Кубрякова 1991, 18; Langacker 1986, 1-2; Сафаров 2006, 18 ва ҳ.к.).

Таниқли тилшунос Ш.Сафаров таъбири билан айтганда, «моддий дунё идроки айни пайтда идрок этилаётган предмет–ходисалар ҳақида тушунча туғилишини, кейинчалик ушбу тушунча ментал намуна – *концепт* сифатида шаклланиб, моддий ном олишини тақозо қилади. Бу хилдаги кўп босқичли *лингвопсихик фаолиятнинг натижалари* (натижа муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бўлишидан қатъи назар) кечишида асосий ролни *лисоний хотира ўйнайди*» (Сафаров 2006;18).

Демак, бу маънода олинганда бундай кўп қиррали “*лингвопсихик жараён*”нинг у ёки бу даражада кечишида тилда сўзловчининг “*лингво-*

сфераси”, “*лингвалитети*”, “*лингвабилитети*” билан бирга унинг “*коммуника-сфераси*” коммуникатитети” ва “*коммунабилитети*” билан, бевосита боғлиқ бир қатор бошқа бетакрор омиллар, яъни “*культуросфера*”, “*культура-литет*”, “*культурабилитет*” (Ҳошимов 2015, 216) каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инглиз ва ўзбек тилларида муболаға бўйича фактик материалларнинг таҳлили шуни тасдиқлайдики, муболағалашган семантикали тил бирликлари, турли қурилмалар тилда сўзловчи /ёзувчи/нинг табиий *руҳий* ҳолатини ифодалашга бевосита хизмат қиладиган вербал воситалардир. Уларнинг муболаға орқали ҳиссиёт, эҳтирос, ҳаяжон ва шулар каби турли ички кечинмаларни ифодалаш имкониятлари чексиз. Масалан, муболаға орқали куйидаги сезги, ҳислар ва ички кечинмаларни воқелантириш мумкин: севги, муҳаббат, ишқ, нафрат (*ёмон кўришлик, кўра олмаслик*), ҳайратланиш, ажабланиш, ёлғизлик, бирга азият чекиш, қувониш, ғазабланиш, қаҳрамонлик, сотқинлик, гўзаллик, хунуклик (*беўхшовлик*), қобилиятлилик, қобилиятсизлик, қудратлилик, ожизлик, дўстлик, душманлик, ўхшатиш, ажратиб кўрсатиш, завқланиш, азобланиш, изтиробга тушиш, тўлқинланиш, камситилиш, мақталиш ва ҳ.к.⁴.

Одатда, тилда сўзлашувчилар ёки ёзувчилар ўзларининг турли табиий *руҳий* ҳолатларидан, ички кечинмаларидан келиб чиқиб, шундай тил воситаларига мурожаат қиладиларки, улар бундай вербал воситалар орқали объектив дунёдаги воқеа, предмет ва ходисаларнинг энг кучли даража ёки микдорининг тавсифини таъсирчан ва тўлақонли қилиш мақсадида муболағалаштириб ифодалашга эришадилар. Мазкур вербал воситалар тилда сўзлашувчиларнинг

⁴ Бизнингча, инсон тафаккури доирасидаги барча соҳаларни вербал ифодалашда тилда сўзлашувчи/ёзувчилар «гиперболема/гипербола»лардан фойдалана олади, десак муболаға бўлмайди.



коммуникатив-прагматик мақсадлари, муддаолари ва ниятларига тўлақонли эришишларини таъминловчи махсус воситалардир.

А.А.Потебня таъбири билан айтганда, “*муболага*” тилда сўзлашувчи/ёзувчининг маълум бир кучли сезгидан, ҳиссиётдан лол бўлиб қолиш омили унга нарса ва ходисаларнинг ҳақиқий ҳажми, сифими (микдори, сифати, даражаси, ҳолати - Ж.К.)ни тўғри кўришга халақит беради (Потебня 1958, с.161).

Шундай қилиб, “*муболага*”, одатда, объектив борлиқдаги воқеа, ҳодиса ва предметларнинг ҳолатий, микдорий ва даражавий хусусиятларини ифодалашнинг энг қулай ва махсус воситасидир, чунки уларнинг табиий ҳолатини ифодалашдан атайлаб қочиш тилда сўзловчи/ёзувчининг ўзидаги субъектив эмоционал ҳолатни ўзи хоҳлаган даражада, шаклда бўрттириб, муболағалаштириб ифодалаш муддаоси билан бевосита боғлиқдир.

Гиперболемаларнинг социолингвистик жиҳатлари шуниси билан муҳимки, улар гиперболемаларни қайси социал қатламга тегишли тилда сўзловчи /ёзувчилар/ мазкур тил бирликларининг қандай турларидан қаерда, қачон ва нима учун, қандай мақсадларда, қандай кайфиятда ва руҳиятда қўллашларини белгилаб беради. Демак, у ёки бу гиперболеманинг нутқда қўлланилиши ўз-ўзича кечаверадиган воқелик бўлмай, балки социолингвистик омиллар томонидан ҳам бошқариладиган мураккаб жараён дир. Бу ҳолат гиперболеманинг мавжуд социал қатламнинг у ёки бу сўзловчиси ёзувчиси томонидан ўринли, онгли ва мақсадли қўлланилишига асос бўлади (агар жамиятда истеъмолда ёнма-ён қўлланиладиган тиллар бўлса, унда *субстрат*, *суперстрат*, *адстрат* ходисаларига эътибор қаратилиши ҳам лозим, масалан, русча *слишком*, *чересчур*, *беспардонно*, инглизча *супер*, ўзбекча *зўр*, каби муболага сўзлари халқ истеъмолидаги ўзга тиллар томонидан

ўзлаштирилиши ва мулоқотда қўлланилиши мумкин ва ҳ.к.).

Бундан келиб чиқадики, тилда гиперболик воситаларнинг у ёки бу шаклда ва мақсадли қўлланилиши тилда сўзловчиларнинг, энг аввало, социал мақоми, ҳаёти, атрофидаги социал муҳит (оила, иш жойи), тарбияси, касби, кундалик фаолияти, хоббиси, «концептосфераси (моноконцептосфераси /поликонцептосфераси)», «концептуалитети (моноконцептуалитети/поликон-цептуалитети)», «лингвосфераси (монолингвосфераси/полилингвосфераси)», «лингвалитети (монолингвалитети/полилингвалитети)»⁵, шунингдек кайфияти, руҳияти, қолаверса, феъл-атвори, табиати, миждози ва бошқа омилларга ҳам бевосита боғлиқдир. Бундай омилларнинг барчаси жонли мулоқотда маълум бир жиҳат тавсифи даражасини муболағалаштириб воқелантирилишида аниқ кўзга ташланади.

Гиперболемаларнинг лингвокультурологик жиҳатларига келсак, улар мазкур тил бирликларининг лингвокультуремалар сифатида қўлланилишида ўзларини ёрқин намойиш этадилар. Маълумки, “лингвокультурема”(Воробьев 1997, 69; Юсупов 2011, 34-35 ва б.) шундай тил бирлигики, у ўз ичига денотатив маъноси билан бир қаторда маданият семантикасини ифодаловчи камида бир компонентни ҳам мужассамлантирган бўлади. Масалан, ўзбек тилида *Даққионусдан (Даққиёнусдан) қолган нарса, Алмисоқдан қолган нарса, энангни Учқўрғондан қўрсатаман, ариши аъло, боши осмонга етмоқ, “асфаласофунга жўнатмоқ, оёгини қўлига олиб югурмоқ, ўпкасини қўлтиқламоқ, юрагидан жой*

⁵ Ушбу тушунчалар ва атамалар бир ёки бирдан ортик тил ва маданият эгалари бўлган шахсларнинг ўзгалар билан бўлган мулоқоти пайтида унинг тафаккурида кечадиган лингвокогнитив, психолингвистик, лингвокультурологик ва бошқа жараёнлар билан узвий боғлиқлиги ва бошқа шунга ўхшаш омиллар ҳақида. Батафсилроқ маълумот олиш учун қара: (Ҳошимов 2015, 178).



бермоқ, ёруғ дунё менга қоронги, кенг дунё менга тор (гиперболик оксюморонлар) каби, рус тилида *седьмое небо*, “Я тебе устрою Самару, инглиз тилида *in seventh heaven, as sly as a fox, honey, to run one’s guts out* (бежать сломя голову (скакать и т. п.)), *to run like mad, to run at a breakneck speed; to rush off headlong; to run helter-skelter; to run for one’s life* каби фразеомалар, шунингдек, инглиз тилида *honey, sweetheart, chocolate*, ўзбек тилида *асалим, шакарим, қўзичоғим, бўталогим*, рус тилида *мой поросенок, голубушка, лапочка моя* каби гиперболик клишелар гиперболемалар қаторига киради (қиёсланг: Вежбицкая 2001, 153).

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, муболағалашган семантикалик вербализаторлар, хусусан, фразеомалар ўзларининг асосий семантикаси – “муболага” билан бир қаторда маълум маданият семантикасини ҳам ифодаляпти ва мулоқотнинг адекват кечишига пухта замин яратяпти. Шу йўсинда улар лингвокультурема, тўғрироғи “**фразео-культурема**” (Ҳошимов 2015,216) вазифасини ўтаяти десак, муболага бўлмайди.

Гиперболемаларнинг лингвостилистик жиҳатлари уларнинг

троплар ва нутқ фигуралари каби стилистик воситалар вазифасида қўлланишида ёрқин намоён бўлади. Мулоқотда бундай воситаларнинг коммуникатив-прагматик жиҳатдан қўлланилиши у ёки бу тилда сўзлашувчи /ёзувчи/нинг идиоситили ёки идиолекти билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бевосита адабий стилнинг ёки шеванинг истеъмолдаги маълум кўринишларини ташкил этадилар, шу йўсинда сўзлашувчи//ёзувчининг мулоқотдошига сезиларли ёки кучли таъсир этишига хизмат қилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилишимиз мумкинки, гиперболемаларнинг лингвокогнитив, структурал-семантик, коммуникатив-прагматик, лингвокультурологик ва лингвостилистик жиҳатлари билан бир қаторда уларнинг психолингвистик ва социолингвистик жиҳатларини ҳам илмий тадқиқ қилиш, гиперболемаларнинг тилда пайдо бўлиш ва нутқда қўлланиш сабаб ва омилларини атрофлича очиб беришга пухта замин яратади ва илмий изланишнинг тўлақонли бўлишини таъминлайди.

Адабиётлар

1. Ван Дейк Г.А. Язык. Познание. Коммуникация. –М.: Прогресс, 1989. -312 с.
2. Вежбицкая А. Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики.-М.: Языки славянской культуры, 2001. -272 с.
3. Воробьев В.В. Лингвокультурология. Теория и методы. - М., 1997.
4. Бенвенист И. Общая лингвистика.-М.: Прогресс, 1974.
5. Кубрякова Е.С. Память и ее роль в исследовании речевой деятельности // Текст в коммуникации. –М.: И-т Языкознания, 1991. –с.4-21.
6. Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. -М.: Наука, 1969.
7. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т I-II .-М., 1958.
8. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: “Сангзор” нашриёти, 2006. - 92 б.
9. Филлмор Ч. Фреймы и семантика понимания. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. –М.: Прогресс, 1988. –с. 52-92.
10. Хошимов Г.М. К теории концептов и их таксономики в когнитивной лингвистике// Систем-структур тилшунослик муаммолари. Филология фанлари доктори, профессор Н.К.Турниёзов таваллудининг 70-йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. -Самарқанд, 2010. - 68-69 бетлар.



11. Хошимов Г.М. К лингвокогнитивной компетенции носителя языка и переводчика // Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспектлари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари тўплами. –Андижон: «Андижон нашриёт – матбаа», 2015. -214-218 бетлар.

12. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурега атамалари хусусида//Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида.Илмий- амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2011. -49-55 бетлар.

13. Langacker R.W. An Introduction to Cognitive Grammar. Cognitive science 10, 1-40 (1986), University of California, San Diego. - pp.1-40.

Корабоев Ж. О лингвокогнитивном, психолингвистическом, социолингвистическом и других аспектах гиперболемы в разнотипных языках. В статье затрагиваются лингвокогнитивный, психолингвистический и социолингвистический аспекты «гиперболемы» в языках разных систем, подчеркивается важность учета взаимосвязи и взаимозависимости ее различных аспектов в гиперболических исследованиях.

Koraboyev J. About linguocognitive, psycholinguistic, sociolinguistic and other aspects of hyperbole in different system of languages. The article touches upon the linguocognitive, psycholinguistic, sociolinguistic and other aspects of the "hyperbole" in non-related languages, the importance of taking into account the interconnection and the interdependence of various aspects in hyperbolic investigations being accentuated.
